

## **КАСБ ТАЪЛИМИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**Қудратова Маҳлиё Равшановна**

Педагогик инновациялар институти Кадрлар бўлими инспектори

### **АННОТАЦИЯ**

*Жамиятда амалга оширилаётган ислохотлар касб таълими, ишлаб чиқариш соҳасида рақобатбардош, кескин ўзгаришларга мослаша олувчи, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисларни талаб қилади. Мақолада мазкур талаблар даражасида самарали фаолият юритувчи шахсларни шакллантиришда касб таълимини ривожлантириш йўналишлари ёритиб берилган.*

***Калит сўзлар:** рақобатбардош, меҳнат бозори, мутахассис, касб таълими, модел, умрбод таълим, доимий таълим, узлуксиз таълим.*

### **ABSTRACT**

*Reforms in society require vocational training, specialists who are competitive in the field of production, able to adapt to sharp changes, in high demand in the labor market. The article describes the directions of development of vocational education in the formation of effective individuals at the level of these requirements.*

***Keywords:** competitive, labor market, specialist, vocational training, model, lifelong learning, continuing education, continuing education.*

### **КИРИШ**

Касб таълими жамият ҳаётининг бир қисми сифатида муайян тарихий босқичлардан ўтган ҳамда назарий ва амалий билим, кўникмалар билан биргаликда ривожланиб бормоқда.

Касб таълимининг ривожланиши 19-асрнинг иккинчи ярмидан 1917-йилгача бўлган даврга тўғри келади. Бу даврда давлат таълим муассасалари пайдо бўлиш, ривожланиш, тартибга солиш босқичини эгаллади ҳамда ўқув, методик, бошқарув, бошланғич касб-ҳунар таълими билан ифодаланди.

Касб таълимини ташкил этиш, унинг самарадорлигини таъминлаш, ўқувчиларнинг дарсдан ташқари бўш вақтларида ўз касбий билим ва малакаларини ошириш устида шуғулланишлари, кутубхоналарда таълим олиш учун керакли адабиётларни олиши, ахборот технологияларидан унумли фойдалана олиш кўникмалари шакллантириш ушбу муаммонинг долзарблигини кўрсатади.

Касб таълимини ривожлантириш борасида шарқнинг буюк алломалари Муҳаммад ал Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Ал-Фарғоний, Ахмад Яссавий,

Юсуф Хос-Ҳожиб, Шайх Нажмиддин Кубро, Баховуддин Нақшбандий, Абдурахмон Жомий, Имом ал Бухорий, Ахмад Югнакий, Алишер Навоий ва бошқалар меҳнатни, касб-хунарни улуғлаган ҳолда, ўз ижодларида меҳнат қилишни, касб-хунар эгаллашнинг аҳамиятини таъкидлаб ўтганлар.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Таълим тарбия ривожланиб бориши билан билим бериш ва кўникма ҳосил қилиш усуллари ҳам яратила бошланди. Одамларга таълим тарбия беришни касб қилиб олган кишилар ҳам пайдо бўла бошладилар. Шулардан келиб чиққан ҳолда таълим-тарбия соҳаси ва шу соҳа соҳиблари вужудга келди. Аста-секин таълимий мақсадлар ҳам шаклланиб, одамнинг ижтимоий сифатлари аниқлана борди.

Геродотнинг «Тарих» китобида қадимги саклар, форслар ва массагетлар инсондаги энг шарафлайдиган сифат жасурликдир, дейишган. Шунга кўра улар ўғил болаларни беш ёшидан йигирма ёшгача фақат уч нарсага: отда юришга, камондан отиш ва адолатли бўлишга ўргатишган.

Зардушийларнинг муқаддас китоби «Авесто»да ҳам таълим-тарбия масаларига катта аҳамият берилган. Унда: «Тарбия ҳаётнинг энг муҳим тиргаги, таянчи бўлиб ҳисобланиши лозим. Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш лозимки, у аввал яхши ўқишни, кейин эса ёзишни ўрганиши билан энг юксак поғонага кўтарилсин» дейилган.

Баховуддин Нақшбандий (1318-1389 йил) буюк нақшбандийлик таълимотининг асосчиси бўлиб, «Дил ба ёр у, даст ба қор», яъни «Дилинг Оллоҳга, қўлинг меҳнатга бўлсин» деб ўргатганлар. Буюк мутафаккир Алишер Навоий деярли ҳар бир асарида хунар ўрганишни, ҳалол меҳнатни улуғлаганлар. Жумладан, «Фарҳод ва Ширин» достонида шундай ёзади: «Хунарни асрабон нетқумдир охир, олиб тупроққаму кетқумдир охир». Аждодларимиз ёш авлоднинг касб-хунар эгаллашига, етук, тарбияли, тараққиётга хизмат қилувчи инсон бўлиб етишишига алоҳида аҳамият беришган.

Шунингдек, мамлакатимиз педагог олимларидан П.Т.Магзумов, Н.А.Муслимов, У.Н.Нишоналиев, Н.Сайидахмедов, А.Р.Ходжабоев, Қ.П.Хусанбоева, Р.К.Чориев ва бошқалар ўз тадқиқотларида касб таълимининг ташкилий-методик асослари борасида ўз фикрларини билдирганлар.

Хорижий мамлакатларда, хусусан Германия, Франция, Англия, АҚШда ҳам касб таълимининг ривожланиш динамикаси таҳлил қиладиган бўлсак, ушбу

тизим узлуксиз касбий таълимнинг хорижий моделлари: умрбод таълим, доимий таълим, узлуксиз таълим сифатида белгиланади.

Англияда касбий таълимни ташкил этиш инглиз олими Д.Локкнинг педагогик ғоялари: амалий таълим йўналиши ва ҳақиқий таълим дастури асосида олиб борилган. Ушбу дастурнинг мазмуни ўқувчиларнинг барча ижтимоий ва ёш гуруҳлари учун мактаб, бирлашган саноат корхонаси ва коллежларни ташкил этишдан иборат.

Францияда касбий таълим француз инқилоби даврида халқ таълими ислохотлари лойиҳалари давридан бошланган. Халқ таълими ташкилоти лойиҳаси Ж.А.Кондорсе томонидан таклиф этилган бўлиб, талабалар учун бепул таълим берадиган мактабларнинг давлат тизимини яратишни таъминлаган ҳамда одамларнинг таълим олиш ҳуқуқида тенглик, таълим босқичларининг узлуксизлиги, дунёвий мактаблар ва динни ўқитишни бекор қилиш, қадимги тилларни ўқитишни чеклаш ва табиий-математик циклдаги фанлар доирасини кенгайтириш таклиф этилган. Миллий таълим режасига кўра амалий фаолият билан боғлиқ фанлар: қишлоқ хўжалиги, саноат, ҳарбий санъат, тиббиёт ва бошқаларни ўрганиш чуқурлаштирилган.

Францияда таълим асосан 11 ёшгача бўлиб, кейин ўқувчи коллежда тахсил олади. Коллежни битириб умумтаълим ёки техник лицейларда ўқиш давом эттирилади, шу асосда бакалавр унвонини олиш мумкин. Ўқув муассасининг ихтисослигига қараб, бакалаврлар француз тилини, социология асосларини, математика, табиий фанлар ва технология фанларини яхши эгаллайдилар. Технология йўналишидаги бакалаврлар чет тиллари, компьютер ва тижорат билимларига эга бўладилар, барча бакалаврлар олий ўқув юртларида таълим олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бугунги кунда етакчи мамлакатлар, хусусан хорижда касб таълимини ривожланиши кўйидагилар билан белгиланади:

- касб таълими муассасалари ва улардаги талабалар сони;
- касб таълимини инсонпарварлаштириш;
- талабаларни мустақил ишларга йўналтириш;
- касбий таълимни бошқаришнинг ижтимоий шаклларининг ривожланиши;
- иш берувчилар ва касаба уюшмаларини бошқарувда иштирок этиши.

Янги Ўзбекистонда касб таълимини ривожлантиришнинг асосий вазифаси жаҳон талаблари даражасида янгиланиб бораётган ишлаб чиқариш шароитларига мослаша оладиган, иқтисодиётимизни буюк давлат даражасига

кўтарадиган мутахассисларни тайёрлаш, ушбу жараёнда асосий омил сифатида бериладиган ахборотлар ҳажмини эътироф этиш эмас, балки уларга нисбатан ижодий ёндашувни шаклантириш ва мустақил фикрлаш каби сифатларини тарбиялашдан иборатдир.

Шу сабабли бугунги кунда барча фан соҳалари, жумладан, касб таълими бўйича янги ўқув дарсликлари, қўлланма ва тавсияларни яратиш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

### **ХУЛОСА**

Жамиятда амалга ошириладиган ислохотлар талабларига тўла жавоб берувчи, ишлаб чиқариш соҳасида юзага келган рақобатбардош, кескин ўзгаришларга мослаша олувчи, шунингдек, меҳнат бозорида мутахассислар малакасига қўйиладиган талаблар даражасида самарали фаолият юритувчи шахсни шаклантиришда касб таълимини ривожлантириш долзарб муаммо ҳисобланади.

Бу муаммони бартараф этиш, касб таълимини ривожлантиришга қўйиладиган талабларни самарали ҳал этиш куйидагиларга боғлиқ деб ҳисоблаймиз:

- касбий фаолиятнинг турли йўналишларида касб таълимнинг фаол шакллари ва ижтимоий зарурият қондирилиши;
- касб таълими ўқитувчиларининг мазкур йўналишдаги ўқув-тарбиявий ишларни ташкиллаштириш учун етарли даражада касбий-педагогик тайёргарлик;
- касб таълими ўқитувчилари томонидан таълим тамойиллари, мазмуни, методи ва замонавий воситаларини мустақил танлашлари учун зарур шарт-шароит яратиш;
- ўқув режалари фанларни блоклари, блокнинг ичида ва фан доирасида интеграциялаш;
- касб таълимнинг асосий мақсадларига мувофиқ ижтимоий ва шахсий тажрибани ошириш.

### **REFERENCES**

1. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шаклантириш. Монография. – Тошкент: Фан, 2004. – 128 б.
2. Никандров Н.Д. Педагогическое образование и общество в США // Ж. Педагогика. – Москва, 1992. – № 1-2. – С. 23-27.

3. Нишоналиев У. Формирование личности учителя трудового обучения: проблемы и перспективы. – Ташкент: Фан, 1990. – 88 с.
4. Новик М. Современные технологии в образовании // Ж. Новые знания. – Москва: 1999. – № 3. – С. 17-21.
5. Зокирова, Д. Н. (2018). Мустақил ўрганишга ундаш орқали таълим беришда гуруҳ бўлиб ишлашни кўллаб-қувватлаш. *Научное знание современности*, (4), 15-21.
6. Usubovich, O. O., & Ne'matillaevna, Z. D. (2022, April). INTERFAOL USULLARDAN FOYDALANIB TALABALARNING MUSTAQIL FIKRLASHLARINI SHAKLLANTIRISH. In *E Conference Zone* (pp. 101-105).
7. Зокирова, Д. Н. (2021). Талабаларга Мустақил Ўрганишга Ундовчи Таълим Беришда Касбий Ва Умумтаълим Фанларининг Интеграцияси. *Современное образование (Узбекистан)*, (6 (103)), 24-28.
8. Otamirzaev, O. U., & Zokirova, D. N. M. (2017). Mustaqil o'rganishga undovchi ta'lim berish usullari va ularning samaradorligi. *Міжнародний науковий журнал Інтернаука*, (1 (1)), 50-52.
9. Usubovich, O. O., & Nematillaevna, Z. D. (2022). Problems Arising From the Use of the Case-Study Method and Methods of Their Prevention. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY*, 3(6), 5-10.
10. Отамирзаев, О. У., & Зокирова, Д. Н. MUSTAQIL O'RGANISHGA UNDOVCHI TA'LIM BERISH USULLARI VA ULARNING SAMARADORLIGI.
11. Nematillaevna, Z. D. (2021). Problems in providing independent learning education and ways to prevent them. *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(1), 1431-1436.